Жамиятда ижтимоий - маънавий муҳитни соғломлаштириш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантириш масалалари

Жамиятда ижтимоий - маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича амалга ошириш лозим бўлган вазифалар

- “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари” фаолиятини йўлга қўйиш ва шу орқали уларни оила қуришга комплекс тайёрлаш юзасидан интерактив тренингларни доимий равишда ўтказиб бориш;
- Кекса авлод вакиллари учун мамлакат бўйлаб зиёрат туризимига чиқишларини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;
- Миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни кенг тарғиб этиш мақсадида **«Маҳалла — қадриятлар маскани»** ҳафталигини ташкил этиш ва Маҳаллаларда аҳоли ўртасида **«Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари»** ғоясини тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
- Маҳаллаларда **тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг** маънавий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган маърифий тадбирлар ташкил этиш ва ўтказиш.
- **«Маънавият оиладан бошланади»** мавзусида маърифат ойлигини ташкил этиш.

Жамиятда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини шакллантириш бўйича таклифлар

Биринчидан, Умумтаълим мактабларида психолог ва исломшунос, диншунос мутахассислар билан ҳамкорликда нотинч оилалар фарзандлари билан психологик-коррекцион ва ривожлантирувчи ишларни олиб бориш мақсадида **«Аҳил оила»** дастури асосида тренинглар ташкил этиш.

Иккинчидан, 15 май — **Халқаро оила кунини** «Оила муқаддас» шиори остида кенг нишонлашни ташкил этиш ва ўтказиш оилаларимизни олдига қўйган эзгу мақсадларини халқаро тажриба даражасига олиб чиқиш ва мунтазам Оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш, намунали оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш мақсадида **«Ибратли оила» танловларини** ўтказиш.

Учинчидан, жамиятда судгача турли маънавий низоларни олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Тўртинчидан, «Маҳаллада ёшлар билан мулоқот» мавзусида ёшлар билан учрашувлар ташкил этиш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш.

Бешинчидан, Ёшларда она табиатга меҳр уйғотиш, уларда боғ яратиш кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида **«Фарзандларимга мендан боғ қолсин!»** акциясини ташкил этиш. Шунингдек, **«Менинг мақсадим», «Ватан оиламдан бошланади», «Муносиб фарзанд», «Ягонадир муқаддас Ватан», «Конституция менинг тақдиримда», «Мен орзу қилган ҳаёт», «Ўзбекистон тараққиётида менинг ҳиссам»** каби мавзуларда иншолар танлови, давра суҳбатлари ва очиқ мулоқотлар ташкил этиш.

ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантириш масалалари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддаси

Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга оширилган ишлар

1 **Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси** қабул қилинди.

2 **Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси** ташкил этилди.
Қўмита юртимиздаги **156 та миллий маданий марказ** ва **38 та дўстлик жамияти** билан ҳамкорлик қилмоқда.

3 Барча миллий маданий марказлар фаолиятини **давлат субсидияси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тизими** йўлга қўйилди.
2021-2023 йилларда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан марказларга **25 млрд сўм** маблағ ажратилди.

4 **30 июль – Халқлар дўстлиги куни** этиб белгиланди.

5 Ҳар йили **16 ноябрь** – Халқаро бағрикенглик кунига бағишлаб **“Бағрикенглик ҳафталиги”**ни ўтказиш амалиёти жорий этилди.

6 Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман*(шаҳар)* ҳокимликлари ҳузурида **Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари** тузилди.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга оширилган ишлар

7 Миллий университетининг бакалавриат ва магистратура босқичларида **антропология ва этнология таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш тизими** йўлга қўйилди.

8 **Давлат бошқаруви академиясида** соҳада фаолият юритувчи давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари учун **ҳар уч йилда бир маротаба** ўтказиладиган **малака ошириш курслари** ташкил этилди.

9 **“Халқлар дўстлиги” кўкрак нишони** таъсис этилди.
Ҳозирга қадар **700 нафар** турли миллат вакиллари ушбу кўкрак нишони билан тақдирланди.

10 Аҳоли ўртасида турли зиддият ва низоли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизнинг **536 та чегараолди** ҳамда **32 та анклав** ҳудудлардаги **маҳаллаларида** миллатлараро муносабатлар ҳолатини **мониторинг** қилиш тизими жорий этилди.

11 Миллий маданий марказларнинг **500 дан** ортиқ фаоли давлат мукофотларига сазовор бўлиб, уларнинг **14 нафарига** юксак **“Ўзбекистон Қаҳрамони”** унвони берилди.

Миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар

1 **Миллатлараро муносабатлар соҳасида** юзага келадиган можароли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида профилактика инспекторлари томонидан **тизимли мониторинг олиб бориш**, салбий мазмундаги ахборотларни ўрганиш, ушбу ҳолатлар юзасидан юқори турувчи органларга ва маҳалла раисига тезкор ахборот бериш тизимини йўлга қўйиш.

2 Давлат органлари раҳбарларининг турли миллат вакиллари яшайдиган аҳоли пунктларида аҳоли билан **очиқ мулоқотларни** ташкил этиш зиддиятларнинг олдини олиш.

3 Сектор раҳбарлари томонидан қардош тилларда таълим олиб борилаётган мактабларни тегишли **ўқув дарсликлари** ва **бадиий адабиётлар** билан таъминлаш масаласига кўпроқ эътибор қаратиш.

4 Маҳаллаларда ҳурматга сазовор бўлган кекса ва ўрта авлод вакиллари ҳамда ёшлар иштирокида **“Уч авлод учрашувлари”ни ўтказиш** амалиётини давом эттириш.

5 Миллий маданий марказлар учун республиканинг барча ҳудудларида алоҳида **“Дўстлик уйлари”ни ташкил этиш**.

6 Жойлардаги **Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари** фаолияти самарадорлигини ошириш.
Кенгашлар аъзолари ўртасида аниқ вазифалар тақсимотини белгилаб, уларнинг ахборотларини ҳар чоракда **халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида** эшитиш.